БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗДИР!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№66 (211) 2018 йил 17 август, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутадиган, муқаддас ислом динининг эзгу ғояларини яққол ифода этадиган қадимий байрамимиз Қурбон ҳайитини муносиб нишонлаш, жамиятимизда инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, саховат ва шукроналик туйғуларини кучайтириш, ёшларимизда юксак фазилатларни камол топтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2018 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 21 август сешанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги ПФ-5290-сон Фармонига мувофиқ 2018 йил 21-23 август кунлари – Қурбон ҳайитининг биринчи уч куни мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Қурбон ҳайитининг жойларда юқори савияда, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги ПФ-5290-сон Фармони 2-бандининг олтинчи хатбошисидаги «24 август – жумага» сўзлари «22 август – чоршанбага» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 15 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ЭКСПЕРИМЕНТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда республикада маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини такомиллаштириш борасида уларнинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг долзарб муаммоларини ўз вақтида ва самарали ҳал этишдаги мустақиллиги ва масъулиятини оширишга қаратилган сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳридаги ишларнинг ҳақиқий аҳволини ўрганиш ишбилармонлик фаоллигининг ўсишига, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилишга инвестицияларни жалб этишга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммолар ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясига мувофиқ:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5495-сон Фармонига мувофиқ:

а) 2018 йил 1 октябрдан инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини беришнинг қуйидаги янги механизмлари жорий этилмоқда:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узоқ муддатли ижарага бериш;

кўчмас мулк объектларини (меҳмонхоналар, савдо объектлари, маданий-кўнгилочар мажмуалар, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, таълим ва тиббиёт ташкилотлари, йўл инфратузилмаси ва бошқалар) қуриш учун ер участкаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини аукцион орқали сотиш;

(Давоми 3-бетда)

Осиё ўйинлари – 2018

## Улкан зафарлар ёр бўлсин сизга, спортчилар!

Ўзбекистон спорт делегацияси 18 август – 2 сентябрь кунлари XVIII ёзги Осиё ўйинларида иштирок этиш учун Индонезияга жўнаб кетди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида спортчиларимизни нуфузли мусобақага кузатиш учун спорт жамоатчилиги йиғилди.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, спортни ривожлантириш, ўғил-қизларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, халқаро майдонларда Ватан шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган ёш иқтидор эгаларини тарбиялаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилаётир. Бунинг самарасида спортчиларимиз нуфузли мусобақалар – Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида мунтазам юқори натижаларга эришмоқда.

Индонезиянинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида ўтказиладиган XVIII ёзги Осиё ўйинларида қитъамизнинг элликка яқин давлатидан ўн минг нафардан ортиқ спортчи ғолиблик учун куч синашади.

(Давоми 3-бетда)

Бунёдкорлик



## Бухорода 420 оила уйли бўлди

Мустақиллигимизнинг 27 йиллиги арафасида Бухоро шаҳрида лойиҳа қиймати 55 миллиард сўмлик 10 та кўп қаватли уй-жой фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш орқали ҳаёт сифатини яхшилашга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Таъкидлаш жоиз, ўтган йил декабрь ойида 7-мавзеда илк бор жами 252 хонадонли 6 та кўп қаватли уй қурилган эди. Бу гал эса 420 оилага янги уй калитлари топширилди. Бу улар учун чинакам байрам совғаси бўлди.

– Анча йиллардан буён у жойдан бу жойга кўчиб, ижарада яшаб келаётган эдик, – дейди Бухоро санъат коллежи ўқитувчиси Нигора Тўраева ЎзА мухбири Эркин Ёдгоров билан суҳбатда. – Бугун тўрт хонали ўз уйимизга эга бўлдик. Бу барчамиз, яқинларимиз учун унутилмас воқеа, албатта. Уйнинг мақбул шартлар асосида берилгани биз учун катта имконият.

Мавзеда бу каби янги уй-жойлар қурилиши давом этмоқда. Ҳудудда тегишли инфратузилма объектлари ҳам барпо этилади. Ҳозир давлат-хусусий шериклик асосида 150 ўринли нодавлат мактабгача таълим муассасаси қурилмоқда. Келгуси йилда 1 минг 176 ўринли умумтаълим мактаби ҳам фойдаланишга топширилади.

Тантанали тадбирда Бухоро вилояти ҳокими Ў. Барноев сўзга чиқди.

## Дўстлик дарвозалари ҳамиша очиқ бўлсин

Ўзбек ва тожик халқларининг муносабатлари кеча ё бугун пайдо бўлган янги воқелик эмас. Аждодларимизнинг маънавий-маданий яқинлиги асрлар мобайнида шаклланган ва давом этиб келган.

Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан музокаралар чоғида шундай деб таъкидлади: «Халқларимизни асрлар давомидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва икки томонлама ҳурмат-эътибор бирлаштиради. Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлик Тожикистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Бугунги учрашувимиз, олиб борилаётган музокаралар негизи кўп жиҳатдан тарихий хусусиятга эга бўлиб, ҳаммамизни ҳаракатга келтиради. Улар Тожикистон ва Ўзбекистон муносабатларининг зина-ма-зина сифатли янги босқичга кўтарилиши учун ишончли замин яратади».

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикасига давлат ташрифи тижорат ва иқтисод, маданият ва башарий алоқалар, транспорт,сув ва энергетика захираларидан фойдаланиш, хавфсизлик ва мудофаа, шунингдек, икки ўлканинг минтақалараро алоқаларига асос солди.

Бугунги кунда чегарага боғлиқ деярли барча муаммо ечим топди ва бу воқелик томонларнинг бу хусусда тегишли Шартномани имзолашига имкон яратди.

30 кун мобайнида икки томонлама визасиз тартибнинг жорий этилиши олий даражадаги Тожикистон – Ўзбекистон мулоқоти натижасидир. Шу билан бирга чегаралардаги барча назорат пунктларида босқичма-босқич фаолият тикланиши тўғрисидаги икки томонлама келишув ғоят қувончлидир.

Шу ўринда олдинга қўйилган мақсадлар рўёби ва муносабатлар ривожига доир қатор икки томонлама шартномалар имзолангани ва улар Тожикистон парламенти томонидан маъқулланганини таъкидламоқчиман. Бу улуғ ишлар Тожикистон ва Ўзбекистон раҳбариятининг саъй-ҳаракати билан амалга оширилди, натижада халқларимизнинг дўстлик-биродарлик алоқалари мустаҳкамланиши учун қулайликлар яратиляпти.

Жорий йилнинг 1-4 августида жамоат, сиёсат ва маданият намояндаларидан иборат Тожикистон дўстлик делегацияси Ўзбекистонга сафар қилди.

(Давоми 1-бетда)









Юртдошларимизнинг Ватанимиз равнақи ҳамда гуллаб-яшнаши йўлидаги эзгу ва шарафли меҳнатларида куч-қувват, улкан зафарлар тилаймиз!



*Мамлакатимиз қурилиш соҳасида меҳнат қилаётган барча ишчи-ходимларни касб байрамлари ҳамда юртимиз мустақиллигининг 27 йиллиги байрами билан чин дилдан табриклаймиз.*

*Озод ва обод юртимизнинг равнақи йўлида қилинаётган меҳнатлар асло бесамар эмас, бу барчамизнинг қалбимиздаги орзу-истаклар рўёбига элтувчи ягона йўлдир.*

*Бу йўлда барчангизга куч-қувват ва омад тилаймиз.*

**«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» ИК СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**



## «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» ИК ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*юртимиз ободлигига муносиб ҳисса қўшаётган барча қурувчиларни Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари куни ҳамда халқимизни яқинлашиб келаётган байрамлар билан самимий муборакбод этади.*

*Юртдошларимизнинг Ватанимиз равнақи ҳамда гуллаб-яшнаши йўлидаги эзгу ва шарафли меҳнатларида куч-қувват, улкан зафарлар тилаймиз.*

*Озод ва обод диёримиз ҳамиша тинч, байрамлар бардавом бўлсин!*



18 август – 2 сентябрь кунлари XVIII ёзги Осиё ўйинларида ўзбекистонлик 232 нафар спортчи 30 спорт тури бўйича бўлиб ўтадиган баҳсларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ЭКСПЕРИМЕНТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

б) қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда туман (шаҳар) ҳокимларига чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узоқ муддатли ижарага бериш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида ва тартибда 10 миллион АҚШ долларидан кўп бўлмаган эквивалентда чет эл инвестицияси улуши бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда чет эл инвесторлари билан инвестиция шартномаларини тузиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига умумий майдони 2000 квадрат метрдан ортиқ, лекин 5000 квадрат метрдан кўп бўлмаган фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги «Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3067-сон қарорининг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган объектлар бундан мустасно) инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилди.

2. Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг **2018 йил 15 августдан 2019 йил 15 августгача Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи эксперимент** (кейинги ўринларда эксперимент деб юритилади) **ўтказиш** тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар якунлари бўйича инвестиция шартномаларини тузиш орқали Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори асосида соддалаштирилган тартибда инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун доимий эгалик, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинчалик) фойдаланиш ҳуқуқи асосида ер участкаларини тақдим этиш имконияти;

инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар якунлари бўйича инвестиция келишуви асосида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан давлат мулки объектларини, шу жумладан, фойдаланилмаётган объектларни уларнинг майдони ҳажмидан қатъи назар бериш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида қарорлари билан давлат-хусусий шерикликни жорий этиш назарда тутилган соҳалардаги объектлар бундан мустасно;

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан кичик саноат зоналари дирекцияси функцияларини ишончли бошқарув шартномаси асосида хусусий бошқарувчи ташкилотларга бериш;

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бозорлар ва савдо комплекслари устав капитали (фонди)даги улушларини уларнинг баланс қиймати ва ходимлари сонидан қатъи назар, хусусий тадбиркорлик субъектларига фаолият йўналишини сақлаб қолиш, инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар олиш шарти билан бериш, шунингдек, бозорлар ва савдо комплексларининг ижро этувчи органи функцияларини шартнома асосида хусусий бошқарувчи ташкилотларга бизнесни ташкил этиш ва юритиш учун бериш. Бунда ҳар бир туманда маҳаллий давлат ҳокимияти органининг улуши бўлган битта маҳаллий бозор сақлаб қолиниши назарда тутилсин;

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан давлат-хусусий шериклик шартларида автомобиль йўллари бўйлаб пуллик автомобиль тўхташ жойларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, хусусий инвесторларни жалб қилган ҳолда кўп қаватли автомобиль сақлаш жойларини қуриш дастурларини тасдиқлаш;

энг юқори ижара тўловлари ва инвестиция мажбуриятларини таклиф этган, асосан йўл ҳаракати соҳасида инновация лойиҳаларини амалга оширишда тажрибага эга тадбиркорлик субъектларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлган, шу жумладан, бозорлар ва савдо комплексларига туташ ҳудудларда жойлашган автомобилларни вақтинчалик сақлаш жойларини давлат-хусусий шериклик шартларида 10 йилга қадар муддатга ижарага бериш.

3. Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш юзасидан эксперимент ўтказилишини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳ) иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳ (А. Н. Арипов) зиммасига:

Тошкент шаҳар ҳокимининг ер участкалари ажратиш, давлат мулки объектларини реализация қилиш ва ижарага бериш бўйича қарорларини қабул қилиш учун кичик саноат зоналари дирекцияси функцияларини хусусий бошқарувчи ташкилотларга бериш масаласини, шунингдек, амалга ошириш таклиф этилаётган инвестиция лойиҳалари кўрсаткичлари ва давлат-хусусий шерикликнинг асосий шартларини тезкорлик билан келишиш ва маъқуллаш;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг экспериментни ўтказиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ ташкилий-техник масалаларни ҳал қилишга амалий кўмаклашиш бўйича фаолиятининг аниқ мувофиқлаштирилишини таъминлаш, бюрократизм ҳолатларига йўл қўймаслик юзасидан тезкор чоралар кўриш;

экспериментни сифатли ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, эксперимент доирасидаги барча масалаларни тезкор кўриб чиқиш ва улар юзасидан келишилган қарорлар қабул қилиш юклансин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ эксперимент доирасида:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳар ҳафта инвестор куни ўтказилади, унинг доирасида, қоида тариқасида, Ишчи гуруҳ томонидан тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг инвестиция шартномаларини тузиш, уларга ер участкалари ажратиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат мулки объектларини бериш бўйича инвестиция таклифлари кўриб чиқилади ҳамда тегишли маълумотлар Тошкент шаҳар ҳокимлигининг сайтига жойлаштирилади;

инвестиция фаолиятини олиб бориш учун Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига кўра ер участкалари бериш инвесторга ер участкасини бир йилгача муддатга (лойиҳанинг мураккаблигидан келиб чиқиб узайтириш имконияти билан) дастлабки захиралаш шарти билан амалга оширилади, кейинчалик инвестиция шартномасида кўрсатилган шартлар инвестор томонидан бажарилганидан сўнг ер участкасига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи расмийлаштирилади. Инвестор томонидан зиммасига олинган мажбуриятлар инвестиция шартномасида кўрсатилган шартлар ва муддатларга мувофиқ бажарилмаганда ер участкасини захиралаш инвесторга компенсация бермасдан ва зарарлар қопланмасдан бекор қилинади;

фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини ўз балансида сақловчилар томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги сўров жўнатган вақтдан кейин бир ой муддатда фойдаланилмаётган объектдан самарали фойдаланиш, шу жумладан, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш объектини ташкил этиш, объектни аниқ ижарага олувчиларга бериш, аниқ инвестор (шерик)ни жалб этиш чоралари, шунингдек, фойдаланилмаётган объект фаолиятини тиклашнинг аниқ муддатлари ва молиялаштириш манбалари назарда тутилган таклифларнинг тақдим этилмаганлиги Тошкент шаҳри ҳокимининг фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини инвестиция келишуви асосида реализация қилиш ёки бериш тўғрисидаги қарорини қабул қилиш учун асос бўлади;

кейинчалик Тошкент шаҳар ҳокимининг ер участкалари тақдим этиш, фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини реализация қилиш ёки бериш масалалари бўйича қарорини қабул қилиш учун рўёбга чиқариш таклиф этилган инвестиция лойиҳаларининг кўрсаткичларини Ишчи гуруҳ томонидан келишиш ва маъқуллаш ўн иш куни давомида амалга оширилади;

ер участкаларини бериш бўйича материалларни йиғиш, кўриб чиқиш, ваколатли органлар ва ташкилотлар билан келишиш Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан белгиланган тартибда ўн иш куни давомида, шу жумладан, электрон шаклда амалга оширилади;

Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг ваколатлари Тошкент шаҳар ҳокимига ўтади, у мазкур ваколатларни кичик саноат зоналари дирекцияларига қисман ёки тўлиқ бериши мумкин;

муайян инвестиция лойиҳалари доирасида ишлаб чиқариш майдончасидан ташқаридаги зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳаллий бюджети маблағлари ва бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 октябрдан:

автомототранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқ тўлаш тартиби бекор қилинади, улар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган тартибда ягона солиқ тўлови ёки бошқа умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтказилади;

автомототранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш хизматлари, жойлашувидан қатъи назар, юридик шахслар томонидан автомототранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойлари солиқ органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имконини берадиган видеокузатув ва автомототранспорт воситалари кириш ва чиқиш вақтини қайд этиш тизими билан жиҳозланганда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси автомототранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларнинг тушумлари тўлиқлиги устидан тизимли назорат ўрнатсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимига хорижий инвестор томонидан қонун ҳужжатларида белгиланганидан қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференцияларини бериш талаби қўйилмаган тақдирда 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ эквивалентда чет эл инвестицияси улуши бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда чет эл инвесторлари билан инвестиция шартномаларини тузиш ҳуқуқи берилсин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК «САР» авиакомпаниясининг Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Райҳон кўчасида жойлашган бинолари, иншоотлари ва бошқа инфратузилмасини уларга туташ 101,64 гектар майдон билан биргаликда кейинчалик топширилаётган объектлар негизида «Индустриал парк» кичик саноат зонасини ташкил этиш шарти билан қабул қилиш ва топшириш далолатномалари асосида Тошкент шаҳар ҳокимлигига беғараз бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

а) бизнес юритиш учун энг мақбул шарт-шароитлар ва қулай инвестиция муҳитини яратиш, туманлар кесимида Тошкент шаҳрининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, шунингдек, иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишни таъминлаш учун зарур ташкилий тадбирларни амалга ошириш мақсадида туманлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда:

тегишли ҳудудларда мавжуд имконият ва шароитларни акс эттиришни назарда тутадиган Тошкент шаҳри ва туманларнинг инвестиция паспортларини;

инвестиция жараёнларини бошқаришнинг асосий мақсадларини, устувор тармоқларни ривожлантириш чораларини, маданий ва ижтимоий объектлар ҳамда атроф-муҳитнинг қулай экологик ҳолатини сақлаш билан боғлиқ чекловларни белгилайдиган Тошкент шаҳрида ҳудудлар кесимида инвестиция муҳитини ривожлантириш концепциясини, шунингдек, концепциянинг натижадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни;

масъул шахслар ва молиялаштириш манбаларини белгилаган ҳолда инвесторларни аэропортлар, вокзаллар, ташриф буюриш объектларида кутиб олиш, кузатиш ва уларга хизмат кўрсатиш, уларни зарур транспорт ва техника воситалари билан таъминлаш тартибини ишлаб чиқсин;

б) Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналари фаолиятини жадаллаштириш, бўш турган ер участкаларидан мақбул тарзда фойдаланиш, улар негизида кичик саноат зоналарини ташкил этиш бўйича, зарур ҳолларда Тошкент вилоятининг Тошкент шаҳри Олмазор, Юнусобод, Чилонзор ва Сергели туманларига туташ ҳудудларида Тошкент шаҳрининг янги кичик саноат зоналарини ташкил этиш учун ҳар бирининг майдони 20 гектардан кам бўлмаган ер участкалари ажратишни назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) бир ой муддатда Тошкент шаҳар ва туманлари ҳокимларининг, шунингдек, улар ўринбосарларининг салоҳиятли инвесторларни жалб этиш, хорижий ҳамкорларга инвестиция салоҳияти ва бизнес юритиш шартлари тўғрисидаги маълумотларни етказиш учун учрашув ва музокаралар, шу жумладан, хорижий мамлакатларга сафарларнинг календарь режасини ишлаб чиқсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Ж. А. Артикходжаев зиммасига:

инвестиция лойиҳаларининг ташаббускорлари томонидан шаҳарсозлик регламентлари ва қурилиш-монтаж ишларининг сифати бўйича талабларга риоя этилиши;

юклатилган вазифа ва функцияларни сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли бажариш, инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини ҳал қилиш, бунда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижадорлигига ўз фаолиятида алоҳида эътибор қаратиш, холислик ва очиқлик принципларига риоя этиш, шунингдек, Тошкент шаҳри аҳолиси манфаатларини ҳисобга олиш;

эксперимент доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида юзага келаётган давлат мажбуриятларини молиялаштириш манбалари билан таъминлаш;

ушбу Фармоннинг 8-бандига мувофиқ амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги;

Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисми, маданий мерос объектлари ва атроф-муҳит қулай экологик ҳолатининг сақланиши, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, манзарали дарахтлар ва гуллар эккан ҳолда яшил ҳудудлар барпо этиш, дарахтлар ва ўсимликларнинг ноқонуний кесилишдан ҳимоя қилиш;

ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган ва турли қонунбузарликлар (дарахтларнинг ноқонуний кесилиши, маданий мерос объектларига зарар етказиш ва бошқалар) билан боғлиқ фуқаролар мурожаатлари ва шикоятлари бўйича тезкор чоралар кўриш юзасидан масъулият юклансин.

10. Ишчи гуруҳ (А. Н. Арипов, С. Р. Холмурадов) Ишчи гуруҳ кун тартибига киритилаётган масалаларнинг тезкор кўриб чиқилишини, шунингдек, юклатилган вазифа ва функцияларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласин.

11. Вазирлик ва идоралар раҳбарларига Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда турар жой зонасида жойлашган объектларни қайта ихтисослаштиришга рухсат бериш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин, бунда уй-жой ва меҳмонхона хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим объектларини, болалар муассасалари ва бошқа ижтимоий инфратузилма объектларини қуришнинг ўзига хос хусусиятлари ва зарурати ҳисобга олинсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда экспериментнинг амалга оширилиши устидан таъсирчан назорат ва мониторинг ўрнатсин;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда эксперимент натижалари юзасидан ушбу Фармоннинг амал қилишини республиканинг бошқа ҳудудларига татбиқ этиш бўйича таклифлар киритсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳар ойда ушбу Фармонга мувофиқ амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Тошкент шаҳар ва туманлар халқ депутатлари Кенгашларига Тошкент шаҳри ва туманлари ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан самарали депутатлик назоратини ташкил этиш ва амалга оширишда кўмаклашиш тавсия қилинсин.

15. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари ушбу Фармоннинг қоидалари, мавжуд имкониятлар, инвестиция келишувларини амалга ошириш натижалари ва давлат-хусусий шерикликнинг афзалликлари кенг ёритилишини таъминласин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Ж. А. Артикходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 15 август

Осиё ўйинлари – 2018

# Улкан зафарлар ёр бўлсин сизга, спортчилар!

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Мазкур мусобақада ўзбекистонлик 232 нафар спортчи 30 спорт тури бўйича бўлиб ўтадиган баҳсларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 мартдаги Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисидаги қарори спортчиларимизнинг Осиё ўйинларига пухта ҳозирлик кўриши, улар учун муносиб шароит яратишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

– Мамлакатимиз спортчиларининг йирик спорт анжуманларида шоҳсупага кўтарилиши яхши анъанага айланган,





– дейди таэквондо (WTF) бўйича жаҳон чемпиони Дмитрий Шокин – Ишончимиз комилки, юртдошларимизнинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида эришадиган натижалари аввалги Осиё ўйинларида қўлга киритилган ютуқлардан юқори бўлади.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон спортчилари жаҳон майдонларида катта зафарларга эришмоқда. Халқаро майдондаги нуфузли мусобақаларда, жумладан, Осиё ўйинларида қатнашаётган ҳар бир спортчимиз ортида ўзини мана шундай юксак даражага етказган Ватанимиз, халқимиз турганини, яратилаётган шароитларнинг барчаси Президентимизнинг ёш авлод камолотига қаратаётган эътибори ва ғамхўрлиги туфайли эканини чин дилдан ҳис қилади. Мана шу туйғу уларга куч-қувват, ишонч бағишлайди. XVIII Осиё ўйинлари ҳам Ўзбекистон спортчилари учун самарали бўлишига ишонамиз.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов сўзга чиқди.

**Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Дўстлик дарвозалари ҳамиша очиқ бўлсин

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Бу сафар бир-бирига дўст ва биродар Тожикистон ва Ўзбекистон олий раҳбариятининг оқилона сиёсати самараси бўлиб, ўзбек ва тожик халқларининг тотувлиги, бирдамлиги ва муҳаббати намойишига айланди.

Тожикистон дўстлик делегацияси Ўзбекистон ҳудудига киргач, истиқбол учун иссиқ қучоқлар очилди, карнай-сурнай, куй-қўшиқ садолари янгради.

Усмон Қуръонининг асл нусхаси сақланаётган Ҳазрати Имом мажмуаси зиёрати, Симпозиумлар саройи ва Адиблар хиёбони, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, унга туташ Амир Темур хиёбони, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Миллий ва Фанлар академияси кутубхоналари, Самарқанд шаҳридаги Улуғбек расадхонаси, Тиллакори ва Шердор мадрасалари, «Регистон» мажмуасидаги тарихий фильм-шоу намойиши, устоз Айний уй-музейига ташриф бизда бир олам яхши таассурот қолдирди.

Истиқбол қандай самимий бўлса, кузатув шу даражада эсда қоларли эди. Тақдир ҳукми билан бирлашиб кетган халқларимизни асло ажратиб бўлмайди. Меҳр-муҳаббат ва дўстлик-биродарлик дарвозалари ҳамиша очиқ бўлсин. Самимий учрашув ва мулоқотлар давомида бир-биримизни қанчалик соғинганимиз, бир-биримизга ташна эканимизга гувоҳ бўлдик.

Биз кўп асрлик тарихий дўстлик муносабатларимиз тикланишига, бу борада янги давр бошланиши, ҳамма нарса асл ҳолатига қайтишига ҳамиша ишонардик. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан буларнинг бари орзудан ҳақиқатга айланди. Қисқа фурсатда икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Икки томонлама манфаатли келишувларга эришилди, тижорат соҳасидаги музокаралар, маданий-гуманитар, кенг қамровли алоқалар ривожланмоқда.

Тожикистонда ўзбек тили ривожланиши учун катта эътибор бериляпти. Мамлакатимизда 260 дан ортиқ ўзбек мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларини тайёрлаш бўйича кафедралар фаолият кўрсатмоқда.

Тожикистон дўстлик делегацияси сафари доирасида парламентлараро муносабатларни кенгайтириш ҳам кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Т. Абдусатторов билан қонунчилик соҳасида ва икки мамлакат парламентлари орасидаги дўстлик гуруҳи ишини янада яхшилаш борасида суҳбатлашдик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси парламентининг Мажлиси намояндагон палатаси раиси Шукуржон Зуҳуровни қабул қилганида дўстона муносабатларимиз икки халқ қалбларига илдиз отган, деб лутф этди. Шундай экан, бу алоқаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳар биримизнинг сиёсий ва инсоний вазифамиздир.

Тарихий ва маданий қадриятларимиз умумийлиги, икки томонлама эҳтиром ва ҳамжиҳатлик анъанаси Тожикистон билан Ўзбекистоннинг истиқболли ҳамкорлигига устувор замин яратади.

**Лутфия РАЖАБОВА,**
**Тожикистон Республикаси парламенти Мажлиси намояндагон палатасининг илм, маориф, маданият ва ёшлар сиёсати бўйича қўмитаси раиси.**
**ЎзА.**

Заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) МЧЖ томонидан «Artfam-Invest» аукцион савдоларига қўйилмоқда.



Давлатимиз раҳбарининг жорий йил июнь ойида Тошкент шаҳар Олмазор туманига ташрифидан сўнг тумандаги ҳар бир маҳалла, хонадон аҳлида кўтаринки кайфият, бунёдкорликка иштиёқ, мамлакатдаги ислоҳотлар, ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси пайдо бўлди.

## «Иброҳим ота» маҳалласида нима гап?

Тумандаги «Иброҳим ота» маҳалласи ҳам бунёдкорлик, қурилиш майдонига айланган. Маҳаллага борганимизда янги қурилаётган икки қаватли уйларни кўрдик, қурилиш жараёнига бош-қош туман ва маҳалла фаоллари билан суҳбатлашдик.

**Самиғжон Ҳикматов, Олмазор туман Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши раиси ўринбосари:**

– Маҳалламиз кундан-кунга чирой очмоқда. Бундан барчамиз хурсандмиз. Бу ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлмади, албатта. Президентимиз ташаббуси билан 4 сектордаги иккитадан маҳаллада «Обод маҳалла» дастури бўйича ишлар бошлаб юборилди. «Иброҳим ота» маҳалласида ҳам мустақиллик арафасида 6 та кўп қаватли уй қурилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Мана шу уйлардаги 30 та хонадон имконияти чекланган, ногирон, шароити оғир оилаларга бепул берилади. Насиб қилса, улар энг улуғ, энг азиз байрамимизни янги уйларда кутиб олади.

Янгиланган, қайтадан бунёд этилган маҳалла гузари биносига киргач «Yoshlar mehnat guzari» мажмуасидаги ёшларга кўзимиз тушди. Гузар маҳалладаги тадбиркорлар томонидан ҳомийлик асосида қурилган. Сартарошхона, тикувчилик, рассомлик, тўқувчилик, компьютер ва тил ўрганиш хоналарида нафақат маҳалла ёшлари, қўшни маҳаллалар фарзандлари ҳам касб-ҳунар, илм ўрганмоқда.

**Фароғат Маҳмудова, «Иброҳим ота» МФЙ мутахассиси:**

– Маҳалламиз аҳолиси муаммоларини ўрганиб чиқдик ва туман ҳокимияти, бошқа идоралар билан ҳамкорликда уйсизларга уй, беморларга тиббий жиҳозлар, аравачалар, дори-дармонлар, қарияларга эса дам олиш масканларига йўлланма каби хайрли ишларни имкон даражасида бажараяпмиз. Айниқса, уй-жойга эҳтиёжманд оилаларнинг аҳволи ўрганилиб, уй билан таъминланаётгани аёлларимиз қувончига қувонч қўшмоқда. Назаримда, энг катта ўзгариш инсонларнинг онгу тафаккурида сезилмоқда. Улар Президентимиз бошлаб берган хайрли ишлардан зўр мадад, илҳом олиб, ўзлари ҳам юрт, маҳалла манфаати учун хайрли ишлар қилишга киришмоқда.

## Ҳамкорлик сиёсати таҳсинга сазовор

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган очиқлик ва қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш сиёсати жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Бундай оқилона сиёсат, айниқса, ишбилармонларни беэътибор қолдирмаяпти. Шу боис, бугун юртингизга келувчи хорижий инвесторлар сафи кенгаймоқда. Ўзбекистонда 10 йилдан буён фаолият юритаман. Самарқанд, Бухоро ва Тошкент вилоятларига Эрон Ислом Республикасининг «Behin machine» компаниясида ишлаб чиқарилган темир эритиш ускуналари ўрнатиш ишларида мазкур компания вакили сифатида иш олиб бордим.

Ўтган йили маҳаллий тадбиркорлар билан Зарафшон шаҳрида алоҳида корхона ташкил этишни режалаштирдик. Шу тариқа арматура ишлаб чиқариш йўналишида «Behin form metal» МЧЖ фаолияти йўлга қўйилди. Жорий йилдан иш бошлаган корхонамиз учун «ноль» қийматда бино ажратилиб, қиймати 145 минг АҚШ долларига тенг инвестиция эвазига металлни эритиш ва қуйиш ускуналари келтириб ўрнатдик. Мазкур технологиялар кунига турли диаметрдаги 8 тонна арматура ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозир корхонамизда 30 нафар ходим фаолият олиб бормоқда. Маҳсулотларимизга талаб кундан-кун ортаётганидан хурсандмиз.

Келгуси режаларимиз катта – қўшимча ускуналар келтириб ўрнатиш ва ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришга оид бир қатор лойиҳалар устида ишлаяпмиз. Албатта, ишчи-ходимлар учун шароитлар янада яхшиланади.

Ҳар бир ишбилармон, аввало, қандай қилиб ўз корхонаси даромадини ошириш ҳақида бош қотиради. Бу эса, биринчи навбатда, мамлакат тинчлиги билан бирга, давлат томонидан хусусий бизнесга қаратиладиган эътибор ва рағбатга боғлиқ. Бу борада Ўзбекистонда ҳеч қандай муаммо йўқлиги унинг халқаро ҳамжамиятда ўз ўрни ва нуфузи тобора юксалиб боришига замин яратмоқда.

**Беҳзод АСАДИЁН,**
**инвестор**
**(Эрон Ислом Республикаси).**

## «Universal Auktsion Invest» МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2018 йил 17 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Фарғона йўли» кўчаси, 106-уйда жойлашган 5-сонли Давлат нотариал идорасининг 2018 йил 13 августдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) **«Artfam-Invest» МЧЖ** томонидан аукцион савдоларига қўйилмоқда:

1. 1-2И-1974-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 12 267 633,48 сўм.
2. 1-2И-1975-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 4 785 222,20 сўм.
3. 1-2И-1976-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 7 109 545,70 сўм.
4. 1-2И-1977-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 858 899,30 сўм.
5. 1-2И-1978-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 3 432 020,16 сўм.
6. 1-2И-1979-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 22 572 337,25 сўм.
7. 1-2И-1980-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 7 078 993,30 сўм.
8. 1-2И-1981-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 566 368,85 сўм.
9. 1-2И-1982-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 6 838 320,00 сўм.
10. 1-2И-1983-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 460 477,44 сўм.
11. 1-2И-1984-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 7 379 834,93 сўм.
12. 1-2И-1985-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 4 521 839,45 сўм.
13. 1-2И-1986-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 415 948,04 сўм.
14. 1-2И-1987-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 3 213 178,21 сўм.
15. 1-2И-1988-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 746 575,49 сўм.
16. 1-2И-1989-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 363 002,33 сўм.
17. 1-2И-1990-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 731 234,91 сўм.
18. 1-2И-1991-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 490 561,61 сўм.
19. 1-2И-1992-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 739 054,52 сўм.
20. 1-2И-1993-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 5 273 943,53 сўм.
21. 1-2И-1994-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 062 160,70 сўм.
22. 1-2И-1995-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 137 371,26 сўм.
23. 1-2И-1996-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 761 319,07 сўм.
24. 1-2И-1997-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 716 789,67 сўм.
25. 1-2И-1998-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 4 190 913,66 сўм.
26. 1-2И-1999-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 761 319,07 сўм.
27. 1-2И-2000-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 764 625,81 сўм.
28. 1-2И-2001-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 986 950,15 сўм.
29. 1-2И-2002-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 204 761,91 сўм.
30. 1-2И-2003-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 10 989 934,49 сўм.
31. 1-2И-2004-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 761 319,07 сўм.
32. 1-2И-2005-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 716 192,98 сўм.
33. 1-2И-2006-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 610 898,26 сўм.
34. 1-2И-2007-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 610 898,26 сўм.
35. 1-2И-2008-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 160 232,81 сўм.
36. 1-2И-2009-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 964 685,60 сўм.
37. 1-2И-2010-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 5 063 354,38 сўм.
38. 1-2И-2011-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 242 665,68 сўм.
39. 1-2И-2012-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 596 453,02 сўм.
40. 1-2И-2013-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 761 319,07 сўм.
41. 1-2И-2014-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 4 882 849,41 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан «Artfam-Invest» МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Паркент» кўчаси, 9-уй.

Юқоридаги мулклар 2018 йил 17 сентябрь куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар душанба ва пайшанба кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Истиқбол» кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖнинг АТ «Турон» банк Яшнобод филиалидаги МФО 01083 СТИР 302 083 379 2020 8000 0049 3216 8025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**аукцион савдосида қатнашиш учун**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Истиқбол» кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун телефон:** (0-371) 236-74-67.

**Веб-сайт:** www.uai.uz

*004059 рақамли гувоҳнома.*

## «Universal Auktsion Invest» МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2018 йил 17 сентябрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Фарғона йўли» кўчаси, 106-уйда жойлашган 5-сонли Давлат нотариал идорасининг 2018 йил 13 августдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) **«Oloy-Invest» МЧЖ** томонидан аукцион савдоларига қўйилмоқда:

1. 1-2И-1939-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 137 371,26 сўм.
2. 1-2И-1940-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 595 856,33 сўм.
3. 1-2И-1941-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 4 973 101,89 сўм.
4. 1-2И-1942-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 407 830,08 сўм.
5. 1-2И-1943-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 911 739,89 сўм.
6. 1-2И-1944-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 8 252 275,66 сўм.
7. 1-2И-1945-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 588 335,06 сўм.
8. 1-2И-1946-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 3 619 314,56 сўм.
9. 1-2И-1947-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 137 371,26 сўм.
10. 1-2И-1948-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 310 056,63 сўм.
11. 1-2И-1949-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 3 927 677,15 сўм.
12. 1-2И-1950-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 558 847,89 сўм.
13. 1-2И-1951-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 287 791,78 сўм.
14. 1-2И-1952-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 972 504,90 сўм.
15. 1-2И-1953-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 663 843,97 сўм.
16. 1-2И-1954-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 911 739,89 сўм.
17. 1-2И-1955-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 363 002,33 сўм.
18. 1-2И-1956-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 994769,76 сўм.
19. 1-2И-1957-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 024 853,92 сўм.
20. 1-2И-1958-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 2 927 378,81 сўм.
21. 1-2И-1959-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 535 688,00 сўм.
22. 1-2И-1960-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 083 219,71 сўм.
23. 1-2И-1961-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 971 908,22 сўм.
24. 1-2И-1962-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 723 713,95 сўм.
26. 1-2И-1963-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 857 588,34 сўм.
27. 1-2И-1964-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 287 791,78 сўм.
28. 1-2И-1965-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 14 299 192,42 сўм.
29. 1-2И-1966-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 6 026 047,60 сўм.
30. 1-2И-1967-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 9 335 305,53 сўм.
31. 1-2И-1968-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 370 224,96 сўм.
32. 1-2И-1969-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 062 160,70 сўм.
33. 1-2И-1970-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 1 363 002,33 сўм.
34. 1-2И-1971-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 3 017 631,30 сўм.
35. 1-2И-1972-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 671 066,59 сўм.

1-2И-1973-сонли ижро хатига асосан, **бошланғич баҳоси** – 911 739,89 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан «Oloy-Invest» МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амур Темур кўчаси, 1-уй.

Юқоридаги мулклар 2018 йил 17 сентябрь куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар душанба ва пайшанба кунлари соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Истиқбол» кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖнинг АТ «Турон» банк Яшнобод филиалидаги МФО 01083 СТИР 302 083 379 2020 8000 0049 3216 8025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**аукцион савдосида қатнашиш учун**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Истиқбол» кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун телефон:** (0-371) 236-74-67.

**Веб-сайт:** www.uai.uz

*004059 рақамли гувоҳнома.*

## «Шаҳрисабз вино-ароқ» АЖ акциядорлари диққатига!

«O'ZBEKISTON BUNYODKORI» газетасининг 2018 йил 14 августдаги 65 (210)-сонининг 4-саҳифасида берилган «Шаҳрисабз вино-ароқ» АЖнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида берилган эълоннинг кун тартибидаги 4-масаласи қуйидаги тартибда ўқилсин:

**«Шаҳрисабз вино-ароқ» АЖ бошқаруви раиси С. Рузиев билан тузилган меҳнат шартномасини муддатидан аввал бекор қилиш, Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчисини тайинлаш, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли Фармонига асосан хорижий менежерни жалб қилиш**

## БИЛДИРИШНОМА!

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ томонидан ташкил этилган очиқ аукцион савдоларига чиқарилган ТИФ Миллий банк қошидаги «НБУ Бунёдкор Инвест» МЧЖга тегишли Сурхондарё вилояти, Шеробод туманида жойлашган, **бошланғич баҳоси** – 4 200 258 000 сўм бўлган «Шеробод деҳқон бозори» бир қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ «НБУ Бунёдкор Инвест» МЧЖнинг 2018 йил 15 августдаги 1085-сонли хатига асосан вақтинча тўхтатилганини маълум қиламиз.

Шунингдек, 2018 йил 30 июлдаги 1015-сонли буюртманомасига асосан чиқарилган мулклар бўйича такрорий аукцион савдолари 2018 йил 20 ва 24 август кунларида ўтказилишини маълум қиламиз.

**Маълумот учун манзил:** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, «Қорақамиш-1» кўчаси, 1-«А» уй.

**Тел.:** (0-371) 228-80-27.

**Электрон почта:** kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru

**Веб-сайт:** www.1kms.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0001 рақамли лицензия.*

## ТУЗАТИШ

«O'ZBEKISTON BUNYODKORI» газетасининг 2018 йил 3 августдаги 61-сонида чоп этилган «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ томонидан берилган эълоннинг объект савдо санаси 2018 йил 6 сентябрь куни деб ўқилсин.

Аризаларни қабул қилиш 2018 йил 5 сентябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Объектнинг такрорий савдолари 2018 йил 13 ва 20 сентябрь соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш 2018 йил 12 ва 19 сентябрь кунлари соат 18.00 да тўхтатилади.

## Қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

«Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК буюртмачилигида ўтказилаётган Тошкент вилоятида қуриладиган уй-жойлар бўйича эълони қайта 2018 йил 13 июлда «O'ZBEKISTON BUNYODKORI» газетасининг 55 (200)-сонида «Саудия ривожлантириш жамғармаси иштирокида Навоий, Фарғона ва Тошкент вилоятларининг қишлоқ жойларида замонавий уй-жойлар қурилиши» лойиҳасига асосан чоп этилган Лотлар бўйича пудрат ташкилотлари томонидан тендерга ҳужжатларни тайёрлаш муддати етмагани сабабли таклифларни топширишнинг сўнгги муддатлари (жадвалга мувофиқ) ўтказиш жойи ва шартлари ўзгармаган ҳолда 2018 йил 20 август кунигача узайтирилганини маълум қиламиз.

| Лот рақами | Туман | Массив | Уйлар/ хонадон сони | Кўп қаватли 2, 3 хонали квартиралар | | | Бир қаватли 2, 3 хонали (0,02 га) уйлар | | Буюртмаларни топширишнинг сўнгги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | рақами | уй | хонадон сони | рақами | уйлар сони | |
| СФР-119 | Бўстонлиқ | Истиқлол | 10 | | | | 10 | 1-10 | 2018 йил 20 август, соат 10.00 |
| СФР-137 | Чиноз | Соҳибкор | 16 | 1 | 2 | 16 | | | 2018 йил 20 август, соат 10.00 |
| СФР-138 | Чиноз | Соҳибкор | 16 | 1 | 3 | 16 | | | 2018 йил 20 август, соат 10.00 |
| СФР-145 | Оққўрғон | Султонобод | 13 | | | | 13 | 1-13 | 2018 йил 20 август, соат 10.30 |
| СФР-146 | Оққўрғон | Султонобод | 16 | 1 | 1 | 16 | | | 2018 йил 20 август, соат 10.30 |
| СФР-147 | Оққўрғон | Султонобод | 16 | 1 | 2 | 16 | | | 2018 йил 20 август, соат 11.00 |
| СФР-148 | Оққўрғон | Султонобод | 13 | | | | 13 | 1-13 | 2018 йил 20 август, соат 11.00 |
| СФР-149 | Оққўрғон | Султонобод | 10 | | | | 10 | 1-10 | 2018 йил 20 август, соат 11.30 |
| СФР-161 | Ўртачирчиқ | Шоликор | 16 | 1 | 1 | 16 | | | 2018 йил 20 август, соат 11.30 |
| СФР-162 | Ўртачирчиқ | Кўтарма | 16 | 1 | 2 | 16 | | | 2018 йил 20 август, соат 12.00 |





# «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» ИК БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

жаннатмонанд диёримизнинг ободлиги йўлида меҳнат қилаётган қурилиш соҳаси вакилларини касб байрамлари ҳамда барча ҳамюртларимизни яқинлашиб келаётган улуғ айёмлар билан самимий табриклайди.

Дунё аҳлини лол қолдираётган обод юртимиз бундан-да чирой очиб, унинг тинчлиги ва осудалигига асло кўз тегмасин!













# «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» ИК СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

## жамоаси

*мамлакатимиз қурилиш соҳаси ходимларини куни кеча нишонланган касб байрамлари ҳамда барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган Истиқлол айёми билан қизғин муборакбод этади. Барчангизга бахту омад ёр бўлишини ҳамда чирой очиб бораётган диёримизнинг бундан-да равнақ топиши йўлида меҳнатсевар халқимизга тани сиҳатлик, куч-қувват тилаймиз.*





**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**

2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастури доирасида 2017 йилда мамлакатимиз бўйича 7 919 хонадондан иборат бўлган 191 та кўп квартирали уйлар қуриб фойдаланишга топширилган бўлса, 2018 йилда 17 минг 411 хонадонли 423 кўп қаватли арзон уйлар қурилиши кўзда тутилган.



# Матбуот котибими ёки вазир котиби?

Бугун вазирлик, идора ва ташкилотларнинг матбуот хизматлари фаолияти ривожланмоқда. Шунга ҳаётий эҳтиёж мавжуд. «Яхши матбуот котиби – ташкилотнинг ярми» деган замонавий нақл пайдо бўлгани ҳам бежиз эмас.

Ахборот соҳаси эркинлашиб, сўз эркинлиги кузатилаётган, янги тенденциялар кучаяётган, давр қўяётган талаб ва мажбурият залвори ҳам тобора ортаётган бир пайтда бу жиҳат яққол кўзга ташланмоқда.

«Жамият» газетаси томонидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси матбуот хизматининг суст ва самарасиз иши кескин танқид остига олингач, хизмат раҳбарининг таҳририят ходимларига дўқ-пўписа ва босим ўтказгани, оқибатда унинг ишдан кетганига кўп бўлгани йўқ. Бу ҳолат, айниқса, бошқа ташкилотлар ахборот хизмати ходимларини сергак торттиргани аниқ.

Очиқ тан олиш керак, бугун Ўзбекистонда матбуот котиблари иши қониқарли эмас. Қайсики вазирлик, қўмита, идора ва ташкилот фаолияти оммавий ахборот воситаларида танқидга учраса, энг аввало, шу ташкилотнинг матбуот котиби бошида калтак синмоқда. Яъни, кутилмаган танқиднинг олдини ололмагани сабабли бош айбдорга чиқарилмоқда. Ҳатто айрим ҳолларда раҳбарларнинг ўз матбуот котибига «ёвқараши» ёки «масофа сақлаб муомалада бўлиши» тафаккур қобиғини узоқ йиллардан буён ўраб олган қўрқув пардаси ҳамон сўтилмаганини кўрсатади.

Хўш, матбуот хизматлари тўлақонли иш юритиши учун зарур ресурс ёки имкониятларга эгами? Ортаётган масъулият ва иш ҳажмига нисбатан ходимлари сони ва салмоғи, моддий таъминоти ўсаяптими? Бугун оммавий ахборот воситалари вакиллари қайси вазирликнинг матбуот котибини яхши танийди ва яқин алоқа ўрнатган? Уларни ишга тайинлаш ва рағбатлантириш тизими қанчалик пухта ишлаб чиқилган?

Сир эмас, бугун аксарият матбуот котиблари ўриндошлик асосида икки ва ҳатто учта жойда ишлайди. Биз таниган-билган маҳоратли матбуот котиблари телевидение, радио, газета-журналларда ёки интернет нашрларида қўшимча тарзда фаолият юритади. Улар бир жойда «ўтириб қолиш»ни, ижодий жараёндан четлашиб кетишни хоҳламасликдан ташқари, маоши яхши лавозимдан воз кечишни ҳам истамайди. Бу асосий куч ва диққатни жамлашга тўсиқ бўлаяпти, табиийки, ташкилот матбуот хизмати ишига салбий таъсир ўтказаяпти.

Йирик ташкилотлар, тижорат банклари матбуот котибларининг иши сал бошқачароқ шаклланган. Уларга ижодий ходим деб эмас, балки ўзи «нон еб турган» муассаса ҳақида танқид чиқмаслигини кафолатловчи шахс сифатида қаралади. Бу ташкилотлар хайрихоҳ нашрларга йил бошидан реклама ёки бошқа тарғибот ишлари учун ажратадиган маблағларни гўё танқид ёмғиридан асровчи ўзига хос «соябон» деб билади. Масалан, Халқ банки ёки «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ билан кўп миллионли шартнома имзолаган, обуна уюштиришга ёрдам берган бирор газета бу банк ҳақида жойлардан келадиган ҳар қандай танқидий мақолани пастки тортмасига солиб қўяди. Аксинча, реклама, табрик бермаган, обуна бўлмаган ташкилотларни газеталар аяб ўтирмай, савалаб қолиши ҳам мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам увол-савоби матбуот котиби зиммасида бўлади.

Яна бир очиқ манзара бор. Бугун адади кўп минг сонли марказий газеталарда чиқмаган танқид «kun.uz», «xabar.uz», «qalampir.uz», «asr.uz» каби интернет нашрларида ёки ижтимоий тармоқларда эълон қилинмоқда. Шу сабабли вазирлар ва бошқа амалдорлар энди ўзи ва ташкилоти учун асосий «хавфли манзил»ни ижтимоий тармоқлар ва интернет, деб билмоқда. Қандай йўл тутмоқ керак? Раҳбарлар машҳур сайтларнинг етакчи журналистларига «совчи» қўйишаяпти – матбуот котиблигига ишга таклиф қилмоқда.

Афсуски, айрим матбуот котиблари савияси талабга жавоб бермайди. Улар икки қатор фикрни эплаб ёзолмаса, баъзилари журналистика кўчасига қадам ҳам қўймаган. Айрим матбуот котиблари эса вазир, унинг ўринбосарлари ва бошқарма бошлиқларига катта-кичик мажлислар, анжуманлар учун маъруза ва ҳисоботлар ёзиш билан банд. Юбилей саналар, байрамларда табриклар ёзиш билан раҳбарнинг шахсий котибига айланиб қолгандай таассурот қолдиради.

Шу йилнинг 15 февралида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди. Унда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари мазкур орган раҳбарига бевосита бўйсунадиган мустақил бўлинма сифатида белгиланган. Аммо амалда аксарият идораларда матбуот котибларига раис ўринбосарлари, раис ёрдамчиси ёки бошқа бошқармалар раҳбарлари «эгалик» қилади.



Бу ҳам етмагандай, ҳанузгача кўплаб матбуот котиблари жамоатчилик билан алоқалар бўлимлари таркибида қолиб кетмоқда ва бевосита бўлим раҳбарига бўйсундирилган. Айримлари эса маркетинг ва ахборот-таҳлил каби бошқармалар ичида димиқиб-бўғилиб ётибди. Бу уларнинг нафақат ижодий эркинлигига изн бермайди, балки ҳар қандай ташаббус ва холис маълумот тарқатиш тизимини амалда йўққа чиқаради.

Сўнгги пайтларда кўламдор ислоҳотлар сабабли баъзи вазирликлар, идоралар ва давлат ташкилотларининг низом ва штат бирликлари қайта тасдиқланмоқда. Бунда матбуот хизматлари фаолиятини кенгайтиришга етарлича эътибор қаратилаяпти, деб бўлмайди. Ҳудудий бўлинмалар таркибида эса бундай лавозимларни киритишга зарурият йўқ, дея баҳоланмоқда. Оқибатда асосий иш бўлаётган энг қуйи ҳудудий бўғинларда марказга ахборот узатиш механизми қотиб қолган.

Туман ҳокимликларида матбуот котиби лавозими ҳалигача ажратилмаган. Бу вазифани аксарият ҳолларда ойда бир-икки маротаба амал-тақал чиқаётган туман газетаси бош муҳаррири бажармоқда. Оқибатда вилоят ҳокимликларидаги матбуот хизматининг кам сонли ходимлари зиммасига ҳаддан зиёд ортича юк тушмоқда. Пировардида, туманларда хизмат сафари билан юрган маҳаллий, хорижлик журналистлар мутасаддилар билан учраша олмаётганидан ёки юзма-юз кўришган тақдирда ҳам керакли маълумотларни ололмаётганидан, қўпол ва носамимий муносабатдан ёзғирган материаллар сони тобора урчиб бораяпти.

Ахборотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органининг расмий сайтига тез жойлаштириш ва уларни ўз вақтида янгилаб бориш, интернет тармоғидаги веб-ресурслар, шу жумладан, ижтимоий ва мобиль тармоқларни ривожлантириш ишларида сезиларли сусткашликлар кузатилмоқда. Шундай шароитда профессионаллик ҳаминқадар бўлиб турган чоғда туман ҳокимлари ўз сайтини очишни ва ҳудуддаги янгиликларни тезкорлик билан ёритиб боришни ҳар қачонгидан кўра кўпроқ истамоқда.

Аксарият матбуот котиблари эса бирор журналист маълумот сўраб мурожаат қилса, биринчи галда «расмий сайтимизни кўринг» дейди. Бу ҳам иш бермаса, икки энлик хат билан расмий мурожаат қилишни сўрайди. Аслида айб уларда ҳам эмас, шундай талабни қўйган раҳбарида.

Айрим матбуот котиблари ташкилоти ҳақида «тасдиқланмаган кўрсаткичларни» ва ўзича тамға қўйган «махфий» маълумотни ошкор қилишга ҳуқуқи йўқлигини айтиб, журналистлардан қутилмоқда. Ўз навбатида, журналистлар бундай материалларни вазир маъқуллашини кунлаб, ҳатто ойлаб кутиб қолмоқда.

Хатбозлик ва қоғозбозликлар матбуот котибининг мавжудлигини шубҳа остига қўйибгина қолмай, ОАВ билан муносабатларни салбий ўзанга солиб, мураккаблаштиради. Шу тариқа «бумеринг эффекти» содир бўлиб, бирор кун ўзи тадбир ёки анжуман ўтказганида журналистлар «хатсиз» лаббай демаса, аттанглаб қолаётир.

Вазир омма олдида нутқ ирод қилар экан, ҳар бир сўзининг акс садоси ва эртага келтиражак оқибатини ўйлаб, албатта, матбуот котиби билан ҳисоблашиши, маслаҳатлашиши ўринли.

Раҳбар ёки мутасаддининг жамоат олдидаги нутқида ҳар қандай чегарадан чиқишлар кейинчалик унинг карьерасига, ижтимоий мавқеига тузатиб бўлмас зиён етказиши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи қайта-қайта тасдиқламоқда.

Шу боис матбуот котиби билан аввалдан келишиб олган ҳолда матнлар ёки «шпаргалкалар» тайёрлаб олиш, қайсар ва тап тортмас журналистлар бериши мумкин бўлган эҳтимолий саволларга жавоб қайтаришга тайёрланиш, тил ва нутқнинг бой имкониятлари устида муттасил ишлаш, журналистлар ва ОАВ ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш, имкон қадар ахлоқ ва дипломатия мезонларидан чиқиб кетмаслик чораларини кўриб бориш зарур.

Матбуот котиби фақат раҳбарият билан чекланиб қолмасдан ўзи ишлаётган тизимдаги ходимларнинг журналистлар билан қандай мулоқотда бўлиши, ахборотни эркин ва тўғридан-тўғри тақдим этишни ўргатиши, ижтимоий тармоқларда ўз профилини очаётган ходимга тўғри маслаҳат бериши, жойлаштираётган материалларининг сифатли ва хатосиз чиқиши учун кўмаклашиши зарур.

Ягона давлат сиёсатини амалга ошириш борасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари билан самарали ва амалий ҳамкорликни таъминлаш ишларида ҳам сезиларли олдинга силжишлар кўзга ташланмаяпти. Матбуот котиблари ўзаро ҳамкорликда ўтказган ва оғизга тушган муҳим тадбирларни эслай олмаяпмиз. Дарҳақиқат, матбуот хизматлари ўртасидаги ҳамкорлик ниҳоятда паст даражада, бошлари бир жойга бирикмаган.

Аста-секин таъсири кучли, имконияти юқори ташкилотлар матбуот хизматларининг бир ташкилот манфаатини бошқасидан устун қўйиши, холислик тамойилининг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Баъзи матбуот хизматларида оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида хайрихоҳ журналистлар доирасини шакллантириб бориш, уларни ахборот (матбуот учун хабар, бюллетень, пресс-релиз ва шу кабилар) билан таъминлаш ишлари яхши ташкил этилмай, ўлда-жўлда қолиб кетмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарорида идораларга ахборот хизматлари фаолиятини самарали ташкил этиш учун замонавий моддий-техник базасини шакллантириш бўйича «Йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш вазифаси юкланган эди. Аммо кўплаб матбуот хизматлари ҳатто эскироқ видеокамера, фотоаппарат ёки қўл телефонига ҳам эга эмас.

Журналистлар ижодий уюшмаси ёки ОАВни мониторинг қилиш маркази томонидан ташкил қилинадиган ва муҳим мезонларни қамраб олувчи «Матбуот хизматлари» ҳафталик рейтингини тузиши мақсадга мувофиқ. Бу ғайрат билан, куйиб-ёниб ишлаётган матбуот котибларини рағбатлантиради, умуман ишламаётган котибларни эса тетиклик ва ҳушёрликка ундайди, вазирларни керакли чоралар кўришга мажбур қилади.

Шу ўринда баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтишни маъқул топдик. Структураси қайта тасдиқланган Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси таркибида Матбуот котиблари клуби ёки шуъбаси тузиш керакдир. Эҳтимол, Президентнинг Матбуот хизмати ҳузурида Матбуот котиблари миллий уюшмасини тузиш самара берар. Матбуот котибларининг хорижий давлатларда малакасини оширишини ташкил қилиш ҳам фойдадан холи бўлмайди, назаримизда. Чет эллик ва маҳаллий етакчи экспертларни жалб қилган ҳолда матбуот котиблари учун ўқув курсларни ташкил этиш, бирор намунали матбуот котибининг тажрибасини кенг оммалаштириш, ўртада турли спорт ва маданий тадбирларни ўтказиш асносида уларнинг ижодий мулоқотини кучайтириш ва моддий рағбатлантириш таклифини ҳам илгари сурган бўлардик.

Шу билан бирга, қатор ижобий ҳолатлар ҳам кўзга ташланаётганини таъкидлашни истар эдик. Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Халқ таълими, Адлия, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат хизматлари агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Тошкент шаҳар ва Самарқанд вилоят ҳокимликлари матбуот хизматлари илғор усулларда ва тезкорлик билан ишламоқда ҳамда бу мақсадларга катта ресурс ва маблағ ажратмоқда.

Матбуот котиби бугун ўз мақоми бўйича камида вазирнинг маслаҳатчисига тенглаштирилиши керак ва, қоида тариқасида, мутахассислиги журналист бўлиши шарт. Унинг маоши ва бошқа имтиёзлари ҳам шундан кам бўлмаслиги лозим. Ташкилот фаолиятини ёритиш учун чўнтагидан харажат сарфлаши, тизим ходимларига «сўзи ўтмай», ўзи универсал ходимга айланиши матбуот котибини обрўсизлантиради, иши ривожига тўғаноқ бўлади.

**Лазиз РАҲМАТОВ, ЎзА.**

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси қўриқлаш бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

# Янги бинода иш бошланди

Унинг очилиш маросимига бағишланган тадбирда мамлакатимизда олиб борилган тизимли чора-тадбирлар натижасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш борасида таъсирчан чора-тадбирлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Қўриқлаш бўлимининг янги биносини «Косонсой қурилишинвест» масъулияти чекланган жамияти ишчилари қурди. Мажмуада шахсий таркиб учун барча шароит яратилган. Ётоқхона, спорт зал, маърифат ва овқатланиш хоналари зарур анжомлар, мебеллар билан жиҳозланди.

– Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги арафасида янги бинода иш бошлаш бизга катта совға бўлди, – дейди тумани ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси қўриқлаш бўлими бошлиғи Раҳим Намозов ЎзА мухбири Абдулазиз Мусаевга. – Бугунги кунда туманимиздаги аҳоли хонадонлари, турли объектларни қўриқлаш учун 70 дан ортиқ ходимларимиз кеча-ю кундуз хизматда. Давлатимиз томонидан соҳа ходимларига яратилаётган бу каби қулайликларнинг барчаси аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, мулкни ишончли қўриқлашни ташкил этиш, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда қўриқлаш хизмати фаолиятида катта ўзгаришлар амалга оширилиб, жамоат хавфсизлигини таъминлашда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий қилинди. Бозорлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, меҳмонхоналар, йўллар ва бошқа жамоат жойларига ўрнатилган видеокузатув ускуналари, замонавий сигнал узатиш каби техникалар жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Тадбирда вазирлик томонидан қўриқлаш бўлимига «Spark» автомобили топширилди.

# Намунавий лойиҳалар асосида қурилади

Тошкент вилоятида ҳам энг улуғ, энг азиз айём – Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги зўр тараддуд, муносиб тухфалар билан қарши олинмоқда.

Юртимиз бўйлаб байрам шукуҳи кезиб юрган шу кунларда Президентимизнинг 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун замонавий бинолар барпо этилиб, фойдаланишга топширилаётир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Зангиота тумани кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими биносининг фойдаланишга топширилиши ҳам туман аҳли учун муносиб байрам тухфаси бўлди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда вилоят ва туман маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Президентимиз ташаббуси билан маҳалла тизимини такомиллаштиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли бугун маҳалла халқнинг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айланаётгани, жамиятда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ўзаро низолашганларни муросага келтириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ортиб бораётгани таъкидланди.

– Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 февралдаги фармони билан жорий йил 1 декабрига қадар вилоят, туман ва шаҳар марказларида «Маҳалла маркази» мажмуаларини, 2021 йилнинг 1 декабрига қадар эса фуқаролар йиғинлари идоралари биноларини намунавий лойиҳалар асосида қуриш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш белгиланган, – дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ижрочи директори Анвар Умаров ЎзА мухбири Авазбек Худойқулов билан суҳбатда. – Шунга мувофиқ, Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллик байрамига туҳфа сифатида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Нурафшон ва Оҳангарон шаҳарлари, Бўка, Зангиота, Оққўрғон, Оҳангарон, Қуйи Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ туманлари кенгашлари ҳамда 21 маҳалла фуқаролар йиғини, жами 29 бинони фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Маълумотларга кўра, мазкур фармон ижроси юзасидан жорий йил 1 сентябрига қадар яна 58 та ўзини ўзи бошқариш органлари биноси мукаммал ва жорий таъмирланиб, фойдаланишга топширилади.

# Ҳавас қилса арзигулик уй-жойлар

Ҳовлида ўн олти жон, тиббий кўмакка муҳтож фарзанди билан ўта оғир шароитда яшаётган Зулфия опа алоҳида, шинам, барча қулайликларга эга уйнинг соҳибаси бўлишни ҳатто орзу қилмас эди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан эндиликда мамлакатимизда қад ростлаётган намунали лойиҳалар асосидаги кўп қаватли турар жойлар ҳамюртларимиз учун кутилмаган, тушда ҳам кўрмаган ажойиб совға бўлди.

Мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишларига ҳамоҳанг Тошкент шаҳрининг шиддат билан ўзгариб бораётган қиёфаси барчани мамнун этиши баробарида, эндиликда уни наинки юртимизга хориждан келган меҳмону сайёҳлар, балки умри шу азим шаҳарда кечган одамлар ҳам сира таний олмаяпти. Кечаги кўзимизга таниш манзарадан энди асар ҳам қолмаган. Янги-янги, муҳташам, чиройли уйларни кўриб кўз қувнайди. Ўзбекистонда бу борада тўпланган ижобий тажриба ибрат олишга арзигулик намуна сифатида хорижда ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.

Президентнинг 2016 йил 22 ноябрда қабул қилинган «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори наинки қурилиш ва шаҳарсозлик соҳаси, балки узоқ йиллар мобайнида оғир шароитларда яшаётган одамлар, кўмакка муҳтож ёш оилалар ҳаётини янги ўзанга солиб юборди.

Қарорга мувофиқ, «Ўзшаҳар қурилиш инвест» инжиниринг компанияси арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилишга оид лойиҳа-смета ҳужжатларини расмийлаштириш, бунёдкорлик ишларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига оид техник назоратни амалга ошириш ва бошқа масалалар бўйича бош буюртмачи этиб белгиланди.

Ушбу компания томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, 2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастури доирасида 2017 йилда мамлакатимиз бўйича 7 919 хонадондан иборат бўлган 191 та кўп квартирали уйлар қуриб фойдаланишга топширилган бўлса, 2018 йилда 17 минг 411 хонадонли 423 кўп қаватли арзон уйлар қурилиши кўзда тутилган.

Дастур доирасида Тошкент шаҳрида ўтган йили 4088 хонадондан иборат 102 та кўп қаватли уйларда уй тўйлари нишонланган, жорий йилда 7 278 хонадонли 184 та арзон кўп қаватли уйлар барпо этилиб, фойдаланиш арафасида турибди.

Ана шундай эзгу ташаббуслар сабабли эндиликда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида қад ростлаган кўп қаватли уйлардан кўз қувнайди. Қурилиш-муҳандислик соҳаси мутахассисларининг фикрича, ушбу уйларни бунёд этишда асосан маҳаллий қурилиш материаллари қўлланилган. Шу билан бирга шамол йўналиши, қуёш нурининг тушиши, зилзилабардошлилик каби жиҳатлар ҳам муҳандис-қурувчиларнинг эътибор марказида бўлгани диққатга сазовор. Квартираларнинг кенг ва шинамлиги, муҳандислик-коммуникация, иситиш-совутиш тизимларининг мукаммаллиги ҳам уларнинг афзаллик жиҳатларидан саналади.

Давлатимиз раҳбарининг ғоя ва таклифи асосида 2018 йилдан бошлаб янги барпо этилаётган арзон кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватида поликлиника, мактабгача таълим муассасаси, уй атрофида эса мактаб, болалар майдончалари ҳам қурилаёгани одамларнинг оғирини енгил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бунёдкорлик ишлари баробарида бу ерда теварак-атрофни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Дастур доирасидаги бу каби намунали лойиҳалар асосидаги арзон кўп қаватли уй-жойлар пойтахтимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам барпо этилмоқда.

– Президентимизнинг одамлар ислоҳотларнинг ширин меваларини олис келажакда эмас, бугун кўришни хоҳлайди, деган гапларига эндиликда барча ҳамюртларимиз гувоҳ бўлмоқда, – дейди нуроний отахон Ҳамидулла Ибодов ЎзА мухбири Назокат Усмонова билан суҳбатда. – Халқнинг оғирини енгил қилиш, орзу-мақсадларига елкадош бўлиш бугун юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсад-муддаосини ташкил этади. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари, қийналиб қолган оилалар учун намунали лойиҳалар асосида қад ростлаётган арзон кўп қаватли уй-жойлар бунинг амалдаги ёрқин намунасидир.

Дарҳақиқат, кечаги манзара бугун буткул ўзгача. Янги бунёд этилган муҳташам уйлар, боғчалар, истироҳат боғлари, болалар майдончадари, спорт мажмуаларидан кўз қувнайди. Буларнинг бари – истиқлолнинг тенгсиз неъматлари. Уларни асраб-авайлаш, қадрига етиш, тинч ва осуда, тўкин, фаровон кунлар учун шукроналик туйғуси билан яшаш эса бурчимиздир.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

Муассис: «ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» Нашриёт уйи МЧЖ

Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир ҳайъати:
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шухратходжа Хашимов, Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Бўрибой Бекмурзаев, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков, Обиджон Носиров.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Абдумуталлиб Ўктамов
Саҳифаловчи – Эркин Усмонов
Мусаҳҳиҳ – Дилфуза Хабибова

Таҳририят ҳамкорлари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, қурилиш-лойиҳалаш институтлари

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: (қабулхона) 244-21-71, (котибият) 244-05-15 (факс), 244-15-13, (бухгалтерия) 244-22-10, (реклама ва обуна бўлими) 244-21-71, 244-40-68 (факс).
E-mail: uzbunyodkor@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: (90) 278-95-87.
Қашқадарё вилояти бўйича: (90) 720-33-03.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: (93) 466-74-84.
Самарқанд вилояти бўйича: (95) 560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-807.
2242 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов
Навбатчи – Ш. Хўжаев

ЎзА якуни – 22.30. Топширилди – 23.30.

1 2 3 4 5